O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 3004093

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 4-aprel • Shanba • 40 (29.001) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда».

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 апрель куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимовни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, айниқса, савдо-иқтисодий алоқалар кўлами йил сайин кенгаётганини таъкидлади.

— Ушбу учрашув икки томонни ҳам бирдек қизиқтирадиган долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар яхши кўшнилик ва қардошлик анъаналарига асосланади. Икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларга қарашлари ўхшаш ва яқин. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-кувватлаб келади. Президентларнинг кўп жиҳатдан ҳамфикрлиги сиёсий соҳада ўзаро ҳурмат ва ишончни мустаҳкамлашга, иқтисодий соҳада икки томонлама манфаатдорликни кучайтиришга хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, МДҲ, ШҲТ каби қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида кўп томонлама асосдаги ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

2006 йилнинг март ойида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалаларни тезкор ҳал қилиш, эришилган келишувлар ижросининг мониторингини ташкил этиш мақсадида Президентлар шафеълигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Ўша йилнинг ноябрида ушбу кенгашнинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Унда сувдан фойдаланиш, энергетика, коммуникация ва савдо билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

2007 йилнинг июль ойида Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси ўтказилиб, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни кўриб чиқилди, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг минтақадаги асосий савдо шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо тартиби амал қилмоқда. 2008 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 912,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу рақам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан савдосига оид умумий кўрсаткичдан каттадир. Ўзбекистонда қозоғистонлик шериклар билан биргаликда тузилган 167 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Қозоғистонда ўзбекистонлик ишбилармонлар иштирокида тузилган юзга яқин корхона иш юритади.

Оқсаройда бўлган учрашувда К.Масимов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Қозоғистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Баркамол авлод орзуси



Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, дунёнинг энг илғор мамлакатларидан келган ҳар қандай киши Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги Самарқанд санъат коллежи биносини кўриб, таълим маскани эканига ишонгиси келмайди. Бу юқори мақомдаги бирорта ташкилот биноси бўлса керак, деб ўйлайди. 2007 йилда қуриб фойдаланишга топширилган янги, муҳташам ўқув биноси ва концерт залида ёшлар учун барча шароитлар яратилган. Ҳозирги кунда коллежда 13 мутахассислик бўйича 800 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда.

Санъат коллежи жамоаси ушбу даргоҳни битириб, эл-юртда обрў топган Эркин Қайтаров, Аваз Ражабов, Феруза Абдураҳмонова каби таниқли санъаткорлар, Ш.Азимов, Х.Иванова, Ҳ.Холов, Р.Ҳамроқулов сингари моҳир устоз-мураббийлар билан фахрланади. Коллежнинг шонли анъанаси давом этаяпти. 2007 йилда Гиёс Облоқулов «Нилҳол» мукофотига муносиб кўрилган бўлса, ўтган йили Нурсултон Зибанов «Келажак овози» республика танловининг тасвирий ва амалий санъат йўналишида ғолиб деб топилди.

Бу ютуқлар санъат коллежи талабалари мувафақиятларининг дастлабки нишоналари, холос. Ишончимиз комил, уларнинг энг катта ютуқлари ҳали олдинда.

Суратларда: коллеж биносининг кўриниши; истеъдодли ёшлардан бир гуруҳи.

Шавкат АКРАМОВ суратга олган.

❖ ЎзХДП бошланғич ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

ЎЗАРО МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

Уйчи тумани Гулистон маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ўзбекистон ХДП ҳудудий ташкилотига 50 нафар аъзо бирлашган. 2 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 1 та қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритаётган педагог ва шифокорлар, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар маънавий-маърифий, сиёсий тадбирларни ҳамжиҳатликда ўтказадилар.

12 йилдирки, ҳудудий ташкилотга халқ депутатлари Уйчи туман Кенгаши депутати, маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Саодат Мўминова раҳбарлик қилади. У моҳир педагог бўлиш билан бирга, тажрибали ташкилотчи ва ташаббускор партия фаоли ҳамдир.

Куни кеча ушбу ташкилотнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят, партия кенгаши фаоллари ва партиямиз хайрихоҳлари бўлган фуқаролар ҳам иштирок этди.

Йиғилишда даставвал ҳудудий партия ташкилоти раисининг ҳисоботи тингланди. Унда Манзура Исоқова, Ҳусанбой Маликов, Салима Долимова, Абдулмамут Нуриддинов, Муборак Қобулова каби фидойи партиядошларнинг ибрати, маҳалла ободончилиги ва кўмакка муҳтожларга ёрдам уюштиришдаги ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Шунингдек, партия ташкилоти, фаоллар томонидан йўл қўйилган айрим камчиликлар, бой берилган имкониятлар ҳақида очиқ фикр юритилди.

Сўзга чиққанлар маҳалла ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий масалалар, жумладан, пластик карточкадан фойдаланишда савдо тизимининг айрим мутасаддилари томонидан нотўғри ҳатти-ҳаракатлар қилинаётгани, 2 ёшгача бола парваришлаётган аёлларга эътиборни янада кучайтириш, таълим соҳаси, ўқитувчиларга муносабат борасида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Ҳудуддаги электорат манфаатлари билан боғлиқ тегишли масалаларни жойида ҳал этишда партия ташкилотининг ўрнини мустаҳкамлаш борасида таклифлар айтилди.

— Бугун дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларда минглаб ишчи ва хизматчилар ташвишга тушган, — деди ўқитувчи Муборак Қобулова. — Чунки иқтисодий таназзулдан қутулиш мақсадида уларнинг ойлик маошларини чеклаш, корхоналарни ёпиш, ходимлар сонини қисқартириш чоралари кўрилмоқда. Бизда эса жаҳон иқтисодий инқирози хавфининг олдини олиш, таъсирини юмшатиш жараёнида аҳоли манфаатини ҳисобга олган ҳолда масалани ҳал этишга уринилмоқда. Давлатимизнинг бу борадаги сиёсатини кенг тарғиб этиш зарур. Чунки, бизда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати ҳисобланган аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилий масала кўриб чиқилди.

Партия ташкилоти раислигига таклиф этилган уч номзоднинг ҳар бири ҳам ўзига хос фазилатлари билан етакчиликка муносиб эди. Аммо, кўпчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, демократик тарзда овоз бериш якунига кўра, 19-мактаб муаллимаси Салимахон Қўчқорова ҳудудий партия ташкилоти раиси этиб сайланди. Шунингдек, туман партия кенгашининг конференциясига делегатлар таркиби тасдиқлаб олинди.

Йиғилиш якунида қатор фаолларга дастурий мақсадларни амалга оширишдаги катта ҳиссаси учун ЎзХДП вилоят, туман кенгашларининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Носир АББОС

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Пастдарғом туманининг Чимбойобод қишлоғида «Ўзбек Хинин индустрия» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ишга тушди. Бу ерга қарийб 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий техника ускуналари ўрнатилди. Бир кеча-кундузда 200 минг донага яқин пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 200 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

— Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонлар учун барча шароит мавжуд, — дейди хитойлик тадбиркор Шан Ли. — Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш учун бежизга ушбу қишлоқни танлаганимиз йўқ. Бу ернинг тупроғи таркибида минерал қоришмалар кўп. Келгусида корхона қошида мева-сабзавотни қайта ишлаш мини-цехини қуришни режалаштираяпмиз.

— Белгиланган лойиҳага кўра, яна битта цех қурилиши мўлжалланаяпти. Айни кунларда корхонага Хитойдан қиймати 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги сўнгги русумдаги технология келтирилмоқда. Янги цех ишга тушса, яна 200 иш ўрни яратилади, — дейди қўшма корхона таъсисчиси Бахтиёр Элмуродов.

Абдували ХУДОЁРОВ

● ЕРДАН КОИНОТ САРИ
Астроном олим, профессор Муҳаммадмусо МАМАДАЗИМОВ билан суҳбат
2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

● ЛИБЕРАЛ КАПИТАЛИЗМ МОДЕЛИ
охир оқибат инқирозга олиб келди
ИТАР-ТАСС хабар беришича, саммит осойишта ўтишини таъминлаш учун молиявий инқироз шароитида фақат полиция кўрикловининг ўзига 7,2 миллион фунт-стерлинг сарфланди. Умумий ҳисобда 4700 нафар полициячи бутун Лондон бўйича хавфсизликни таъминлаш ишларига жалб қилинди.
3-бет

❖ Машҳурлар маҳалласи
● ВАТАН КЎРКИ БУЮК ИШҚУ САДОҚАТДАН
Наманганда, Наманганнинг мўъжазгина маҳалласида туриб у бутун Ўзбекистонни севди. Истиқлолни, озодлик ва ҳурликни улуғлади. У етиб бормаган жойларга ҳам шеърлари, қўшиқлари, публицистик мақолалари кириб борди.
4-бет

САВДО МАРКАЗИ

Сардоба тумани ҳокимлиги ва «Сардобаматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти ташаббуси билан Пахтаобод қўрғонида замонавий савдо маркази қурилиб, ишга туширилди. Марказ таркибида 4 та ихтисослашган дўкон мавжуд бўлиб унда кундалик эҳтиёж ва хўжалик моллари, озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси бошлаб юборилди.

Улардан бири улгуржи савдога ихтисослашган бўлиб, дўкондаги маҳсулотлар нархи чакана савдодагига нисбатан анча арзон. Бу ердаги барча дўконларда замонавий терминаллар ўрнатилган. Харидорлар энди пластик карточкалар билан ҳам савдо қилишлари мумкин.

Мунаввар ПАРДАЕВ

✓ Иқтисод ва ҳаёт

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

иқтисодиётни тартибга солишга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади

Давлат бюджети давлат томонидан иқтисодий соҳани тартибга солишга қаратилган энг муҳим механизмлардан биридир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат бюджети асосий ўрин тутади.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари сиёсати ўзаро узвий боғлиқ. Яъни, даромад бўлмаса, ижтимоий-иқтисодий, илмий, техник ва бошқа соҳаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш учун молиявий маблағ ажратиш имкони бўлмайди. Шу боис, бугунги кунда давлатимиз олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири — халқимиз ва давлат манфаатларига мос келадиган ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қодир молия-кредит, пул сиёсатини тўғри йўлга қўйишдир.

Конституциямизнинг 25-боби молия ва кредит масалаларига бағишланганлиги бежиз эмас. Унинг 122-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга. Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети — Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат.

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган **Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги Давлат бюджети**даги 2009 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари негизида ишлаб чиқилди. Унда республиканинг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ-бюджет сиёсатининг йўналишлари ва Давлат бюджети параметрлари белгилаб қўйилди. Чунончи, 2009 йил солиқ сиёсатига: барқарор иқтисодий ўсиш, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари ҳамда ҳудудларининг макроиқтисодий ва молиявий жиҳатдан ўзаро мувофиқ бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминлашга қаратилган стратегик мақсадлар асос қилиб олинган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва янги иш жойлари яратишни рағбатлантириш мақсадида солиқ юкини пасайтириш кўзда тутилган.

Масалан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови асосий ставкасини 8 фоиздан 7 фоизгача пасайтириш;

саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини ўртача 1,3 баробарга камайтириш.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳоли даромадларини кўпайтириш назарда тутилган.

Кредит ташкилотларига жисмоний шахслар омонатларини жалб қилишда тенг шарт-шароит яратиш ва депозитлар бозоридаги рақобатни ривожлантириш ҳамда микромолиялаштиришни рағбатлантириш, банкдан ташқари молия институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит уюшмаларидаги депозит қўйилмалар бўйича олинган даромадларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш белгиланган. Шунингдек, келгуси йилда қўшимча қиймат солиғининг амалдаги ставкаси сақлаб қолиниши ҳам режалаштирилган.

Ер ва сув ресурсларидан янада самарали фойдаланишни рағбатлантириш учун 2009 йилги Давлат бюджетида ер солиғи, ягона ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини 1,25 баробарга ошириш мўлжалланган. Жисмоний шахслар молмулкига солинадиган солиқ бўйича уларнинг охирги индексация қилинган пайтига кўра (1998-2007 й.) нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда, жисмоний шахслар мулкининг инвентаризация қийматини индексация қилиш кўзда тутилмоқда. Бу маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш имконини беради. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкасини 1 литр (кг) учун 20 сўмга ошириш белгилаб қўйилган.

2009 йилга таклиф қилинган солиқ сиёсати — ялпи ички маҳсулот 8,0 фоизга, саноат тармоқлари маҳсулотлари 9,3, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 5, инвестициялар ҳажми 18 фоизга ўсишига, инфляция даражасини 6,0-8,0 фоиз миқдоригача камайтиришга мустаҳкам асос яратиш имконини беради.

2009 йилги Давлат бюджети параметрларида 2010 йилгача бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини 2,5 баробар ошириш аҳоли даромадлари даражасини ҳамда турмуш фаровонлигини кўтариш билан ҳамоҳангдир.

Бу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, 2009 йил 1 январдан бошлаб, илгари энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган ижтимоий нафақалар, пенсиялар ва уларга тенглаштирилган тўловлар миқдорини қатъий пул миқдорларида белгилаш ҳамда уларни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдори оширилиши муддатларида индексация қилиб бориш белгиланди. Табиийки, мазкур чора-тадбирлар ижтимоий нафақалар ва тўловлар миқдорларини ўртача иш ҳақи ўсишидан кўпроқ индексация қилишни таъминлайди.

Ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари ҳамда тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш мақсадида 2009 йилда 6 та мусиқа мактаби қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, уларни мусиқа асбоблари, махсус жиҳозлар билан таъминлашга Давлат бюджетидан салмоқли миқдорда маблағ ажратилмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортнинг сув турлари билан шуғулланишга янада оммавий жалб этиш, сузиш ҳавзалари тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида 2009 йилги Давлат бюджетида 21 та болалар сузиш ҳавзасини мукаммал реконструкция қилиш ва таъмирлашга ҳам етарлича маблағ ажратилиши режалаштирилди.

2009 йилда Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан Меҳрибонлик уйлари, жисмоний ва имконияти чекланган болалар учун махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қабул қилинган Давлат дастури доирасида 2 та муассасани мукаммал реконструкция қилиш ва 10 тасини мукаммал таъмирлаш назарда тутилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, 11790 ўқувчи ўринга эга 18 та академик лицей ва 113615 ўринли 191 та касб-ҳунар коллежларини фойдаланишга топшириш мўлжалга олинган. Шунингдек, тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурига биноан Мактаб таълими жамғармаси ҳисобидан 1932 та умумтаълим мактаби қуриш ва таъмирлаш ишлари (шундан 66 таси янги мактаб), 699 тасида мукаммал реконструкция, 740 тасида мукаммал таъмир ва 427 тасида жорий таъмир ўтказиш ҳамда уларни замонавий ўқув-лаборатория ва мебеллар билан жиҳозлаш амалга оширилади.

Шунингдек, болаликдан ногиронларга нафақа тўлаш бўйича харажатлар 2009 йилдан бошлаб Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда нафақаларни жойлардаги ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари орқали тайинлаш ва уни тўлаш тартиби сақлаб қолинади.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, деб эълон қилиниши муносабати билан қишлоқни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айрим мисолларга эътибор берайлик. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси орқали ерлар ҳолатини яхшилаш учун 130 млрд. сўм ажратилади.

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш, маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларини таъмирлаш ҳамда шаҳар ва туманларнинг бошқа инфратузилмаларини қўллаб-қувватлашга ЯИМ ҳажмининг 0,2 фоизи миқдорида харажат режалаштирилди. Солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирларни қабул қилиш натижасида 2009 йилда Давлат бюджети даромадлари 10421,4 млрд. сўмни, Давлат бюджети харажатлари 10913,0 млрд. сўмни, Давлат бюджети тақчиллиги 491,6 млрд. сўмни ёки ЯИМ ҳажмининг 1 фоизини ташкил қилади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози кескин тус олган, шунга қарамай, мамлакатимизнинг 2009 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида ижтимоий соҳага доир харажатлар миқдори камайтирилган эмас. У бюджет харажатларининг 56,5 фоизини ташкил этади.

Бу нимадан далолат? Бу — Президентимиз шу йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунлари ва 2009 йилнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида таъкидлаганидек, **«Биз истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан-йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар тўғри ва пухта эканини исботламоқда, деб айтиш учун бугун барча асосларимиз бор».**

Мухтасар айтганда, давлат бюджети — давлатимиз иқтисодий сиёсатини белгиловчи асосий молиявий ҳужжат бўлиб, у иқтисодни тартибга солишга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тўлқин АБДУСАТТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.

✓ ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Қизилтепа туман партия кенгаши ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида тумандаги Ёшлар марказида хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оила, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тарғиб этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда туман Кенгаши депутатлари, «Истиқбол ёшлар» қаноти етакчилари, тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, ижтимоий таъминот бўлими, саломатлик маркази вакиллари, бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирок этди. Қатнашчилар дастлаб туман аёллари томонидан касаначилик асосида тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда Ёшлар маркази фаолияти билан танишдилар.

Туман партия кенгаши раиси Фазлиддин Темиров жамиятда аёллар ролини кучайтириш борасида партиямиз амалга ошираётган ишлар тўғрисида ахборот берди. Тумандаги раҳбар аёллар клуби раиси, Сенатор Раъно Валиева қишлоқ хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш масалалари, Президентимиз томонидан бу борада яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида фикр юритди.

— Ҳар бир хотин-қиз ўз ҳаётини яхшилаш, соғлигини мустаҳкамлаш учун аввало, ўзи ҳаракат қилиши, тиббий маданиятга эга бўлиши, соғлиги ҳақида доим қайғуриши лозим, — деди у.

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам партиямиз дастурий мақсадларини самарали амалга ошириш, электоратимиз манфаатларини ифодалаш, аёллар ижтимоий ҳимояси асосий вазифаларимиз бўлиб қолади, — деди Навоий вилоят партия кенгаши раиси Шерали Умаров. — Аёлларимизнинг маънавияти, ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун партия ташкилотлари кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда.

Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Машҳура Каримова, тиббиёт бирлашмаси ходими Олима Каримова, ижтимоий таъминот бўлими вакили Рамазон Назаров ва бошқалар ҳам хотин-қизларининг соғлигини сақлаш, соғлом оила, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, хотин-қизлар орасида учраётган касалликларнинг олдини олиш, аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Жамила ПЎЛАТОВА

❖ Огоҳлик

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Янгийўл туманида «Фояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат» мавзуида давра суҳбати ташкил этди.

Вилоят партия кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари томонидан бутун дунёда глобал муаммога айланган одам савдоси ва унга қарши курашиш борасида изчил тадбирлар амалга оширилиши зарурлигини таъкидлади.

— Аёллар билан боғлиқ муаммолар, айниқса, жиноятлар дилимизга оғриқ, катта ташвиш солади, — дейди Янгийўл туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, партия фаоли Озода Қодирова. — Биз партия ташкилотлари билан биргаликда ушбу масалаларни ҳал этиш, қийин аҳволга тушиб қолган аёлларга маслаҳат ва ёрдам бериш чораларини кўраяпмиз. Уларни одам савдоси ва унинг оқибатларидан огоҳ этишга ҳаракат қилаяпмиз. Лекин бугунги вазият бу борадаги ишларни янада кучайтириш, такомиллаштиришни талаб этаяпти.

— Турли сохта ғоялар ниқоби остида ёшларимизни йўлдан уришга ҳаракат қилаётган айрим кучлар, диний экстремизм ва одам савдоси муаммоларига жиддий эътибор қаратишимиз лозим, — деди «Ватан» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Шоҳида Йўлдошева. — Бу борада ёшлар билан учрашувлар ташкил этилаяпти. Шу мақсадга йўналтирилган тадбирлар, айниқса, маҳаллаларда кўпроқ ўтказилиши зарур.

Шунингдек, давра суҳбатида сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков диний экстремизмнинг оқибатларини далиллар орқали тушунтириб берди.

Давра суҳбати кўплаб савол-жавоблар, мулоҳазалар асосида ўтди.

Гулруҳ ЭРГАШЕВА

Фарғона вилояти Қува туманида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жорий йилда уй меҳнати орқали 200 дан ортиқ хотин-қиз иш билан таъминланди. Айниқса, «Қувадонмаҳсулотлари», «Қува пахтани қайта ишлаш заводи» акциядорлик жамиятлари, «Қуватекстил» масъулияти чекланган жамияти каби корхоналарда 50 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

«Қуватекстил»да касаначилик йўли билан 35 нафар қишлоқ аёли мунтазам иш билан таъминланди. Улардан бири — Бўстон қишлоғида яшовчи Гулнора Ҳамдамова корхона буюртмасига асосан ишчиларга махсус кийим ва қўлқоплар тикиб бермоқда.

Суратда: касаначи Гулнора Ҳамдамова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

ЕРДАН КОИНОТ САРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош ассамблеяси Халқаро астрономия уюшмаси ва ЮНЕСКО (БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) таклифини маъқуллаб, 2009 йилни Халқаро астрономия йили деб эълон қилди. Шу муносабат билан астрономия фани ютуқларини бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб этиш мақсадида «Ёрдан коинот сари» лойиҳаси асосида қатор мамлакатларда кўргазмалар ташкил қилинади, кўчаларга кўчма телескоплар ўрнатилиб, одамларга коинотни кузатишларига имкон берилади, энг арзон телескопларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Астроном олим, профессор Муҳаммадмусо МАМАДАЗИМОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Аввало, БМТ томонидан шу йилнинг Халқаро астрономия йили деб эълон қилинишидан кўзланган мақсад ҳақида тўхталсангиз.

— Астрономия энг қадимий фанлардан бири бўлиб, унинг ривожланишида улуғ астрономлар ва буюк кашфиётлар муҳим роль ўйнаган. Машҳур ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний (797-865)нинг кейинчалик астрономия асослари номини олган юлдузлар ва осмон жисмлари ҳаракатларига оид китобининг яратилиши, қомусий олимимиз Абу Райҳон Беруний (973-1048)нинг юлдузлар жадвали ва унинг Ер Қуёш атрофида айланади деган фарази, улуғ астроном Мирзо Улуғбек (1394-1449)нинг обсерваторияси ва «Зижи Кўрагоний» китоби, поляк астрономи Николай Коперник (1473-1543)нинг олам тузилишининг гелиоцентрик назарияси, италиялик файласуф Жордано Бруно (1548-1600)нинг коинот чексизлиги тўғрисидаги ғояси, немис астрономи Иогаан Кеплер (1571-1630)нинг осмон жисмларининг ҳаракати қонуни ва бошқа олимларнинг кашфиётлари астрономия фани тараққиётига мислсиз ҳисса қўшган. Италиялик олим Галилео Галилей (1564-1642) томонидан 1609 йилда телескопнинг ихтиро қилиниши ана шундай буюк кашфиётлардан бири бўлиб, астрономияда янги даврни бошлаб берди. Шу боис Халқаро астрономия уюшмаси бу ихтирога 400 йил тўлишини бутун дунёда кенг кўламда нишонлаш, телескоп воситасида амалга оширилган буюк кашфиётларни, умуман, астрономия фани ютуқлари ва уларнинг аҳамиятини янада тарғиб қилиш таклифини билдирди. Бу таклиф ЮНЕСКО ва БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

— Газетхонларимиз бу ихтиронинг аҳамиятини тасаввур қилишлари учун телескоп ва унинг ёрдамида очилган буюк кашфиётлар тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Галилейнинг ўзи ўттиз икки марта катталаштириб кўрсатадиган телескопида Ойнинг кратерларини, Юпитернинг йўлдошларини, Қуёшнинг ўз ўқи атрофида айланишини кашф қилди. У ўз кашфиётлари орқали Коперникнинг олам тузилишини гелиоцентрик назариясини ва бошқа олимларнинг таълимотларини исботлади. Албатта, йиллар ўтиши билан телескоплар такомиллашиб борди ва улар ёрдамида ақл бовар қилмас кашфиётлар амалга оширилди. Ҳозирги кундаги замонавий телескоплар билан қарийб 15 миллиард ёруғлик йили масофадаги галактик жисмларни кузатиш мумкин. Шу ўринда астрономиядаги «бир ёруғлик йили» деган терминга изоҳ беришим керак бўлади. Яъни, ундан сониясига 300 минг километр тезликда ҳаракатланадиган ёруғлик нури бир йилда ўтади. Бундай телескоплар билан нафақат галактикамиздаги, балки қўшни галактикалардаги юлдузлар, осмон жисмлари кузатилаяпти.

— Демак, астрономларнинг асосий иш қуроли бўлган телескоплар такомиллашиб бораверади. Янги телескопларни ясаш борасида бугун қандай янгиликлар бор?

— Ҳозир дунёда кўплаб замонавий оптик ва радиотелескоплар бор. Улар орасида Кавказдаги кўзгусининг диаметри 6 метр, Чилининг Паранал тоғидаги диаметри 8,2 метр, Канар оролларидаги диаметри 10 метр оптик телескоплар энг катталари саналади. Аризон университети (АҚШ) астрономлари кўзгусининг диаметри 25 метр телескоп қуришни бошлашган. Европа давлатлари биргаликда кўзгусининг диаметри 50-100 метр оралиғида бўлган телескопни 2015 йилгача қуришни режалаштиришган. Радиотелескопларга келсак, турли диапазонда ишлайдиганлари мавжуд. Энг қувватлиси эса 300 метрли радиотелескоп ҳисобланади. Бундай оптик ва радиотелескоплар орқали Ойдаги одамни бемалол кузатса бўлади.

— Албатта, дунёда астрономлар амалга ошираётган ишлар ва улар эришаётган муваффақиятлар жуда кўп. Шу боис суҳбатимизни мамлакатимиз астрономиясига оид маълумотлар билан давом эттирсангиз.

— Шуни мамнуният билан таъкидлашим керак, мамлакатимизнинг географик ўрни ва иқлим шароити астрономик кузатишлар учун жуда қулай. Юртимизда Хоразм Маъмун академияси, Улуғбек расадхонаси каби дунё эътироф этган илм-фан марказлари фаолият кўрсатган. Муҳими, илми нужумга, астрономияга қизиқиш халқимизнинг қонқонига сингиб кетган. Мана шундай қизиқиш, қулай муҳит ва илм-фан марказлари бўлгани учун юртимиздан ўнлаб таниқли астрономлар етишиб чиққан ва шу фан тараққиётига ҳисса қўшишган.

Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тошкент астрономия институти дунё эътирофидаги астрономик марказлардан бири ҳисобланади. Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги денгиз сатҳидан қарийб 3000 метр баландликдаги Майданак обсерваторияси имкониятлари бежизга Чилининг Паранал тоғидаги обсерваториясига тенглаштирилмайди. Шунингдек, Жиззах вилоятининг Зомин туманида йирик астрономик марказ бунёд қилинаяпти. Бир сўз билан айтганда, улуғ астрономларни вояга етказган юртимизда астрономия соҳасида олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар дунё олимлари диққат марказида турибди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда астрономияда оламшумул кашфиётлар қилинди. Ернинг сунъий йўлдошларига ўрнатилган телескоплар коинотни тасвирга олмоқда, олис сайёраларнинг йўлдошлари, фанга ҳали маълум бўлмаган сайёралар аниқланди. Инсон қадами Ойга етди, энди Марсга чоғланяпти. Космик кемалар Венера ва ундан олис сайёраларни яқинидан суратга туширишди. Хуллас, инсоният Ердан коинот сари юзланяпти. Бундай ақл бовар қилмас ишларда бизнинг ватандош алломаларимиз ҳиссаси борлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Суҳбатдош: Асрор МЎМИН.

✔ Шарҳ

ЛИБЕРАЛ КАПИТАЛИЗМ МОДЕЛИ

охир оқибат инқирозга олиб келди

Бир неча ойдирки, дунё мамлакатлари молиявий-иқтисодий инқироз гирдобида қолган. Ундан қутулиш чоралари изланмоқда, жаҳондаги гигант корхоналарда эса минглаб иш ўринлари қисқармоқда.

Дунё бўйича ишсизлик нафақат ой сайин, балки кун ва соат сайин ортиб бормоқда. Бу эса кейинги пайтларда ишсизлар ва ўзга давлатларга иш излаб борган муҳожирлар ўртасида жиноятчиликнинг ошишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айнан шу ва шунга ўхшаш дунёвий муаммоларни ечиш ва янада оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун бир қанча етакчи мамлакатлар раҳбарлари Буюк Британия пойтахтида йиғилдилар.

«Катта йигирмалик» саммити, дея аталган бу йиғин 1500 нафар полиция қўриқлови остида бўлиб ўтди. 22 та давлатнинг президентлари, бош вазирлари, молия вазирлари ва 8 та халқаро ташкилот вакилларидан иборат делегация жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозидан тезроқ чиқиш йўлларини муҳокама этдилар.

Йиғиннинг асосий ҳужжати либерал капитализм моделига нуқта қўйиш юзасидан қабул қилинган якуний резолюция бўлди.

Гап шундаки, кейинги 20 йил давомида кўпгина давлатлар айнан либерал капитализм моделига амал қилиб келаётган эди. Яъни бу модел ўз ўзини бошқарув ва тўлиқ эркин ҳаракатга асосланади. Аммо саммит иштирокчиси бўлган Франция ва Германия вакиллари бу тамойилдан воз кечиш бўйича ўз нуқтаи назарларини саммитнинг якуний резолюциясига киритишга эришдилар. Улар фикрига кўра, жаҳон молия бозоридаги бирорта маҳсулот ёки иштирокчи мувофиқлаштириш тизими назоратидан четда қолмаслиги керак.

Ҳужжатда эълон қилинишича, дунёнинг етакчи индустриал салоҳиятга эга давлатлари раҳбарлари йирик жамғармалар фаолиятини назорат қилиш ва махсус тузилган агентлик ҳамда Халқаро валюта жамғармаси ёрдамида мониторинг ўтказиб бориш мажбуриятини олдилар.

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, «катта йигирмалик» етакчилари солиқ тизимини назорат қилиш услублари ва даражаси юзасидан умумий бир фикрга кела олмадилар. Шунингдек, ҳозирги инқироз шароитида жаҳон бозорини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган молиявий кўмакнинг ҳажми юзасидан ҳам ягона тўхтамга эришолмадилар.

«G-20» саммитининг якуний резолюциясида яна шу қайд этилдики, унда Халқаро валюта жамғармасининг молиявий ресурсларини кенгайтириш талаби қўйилган. Айрим маълумотларга қараганда, бу маблағ 750 миллиард долларга етиб қолади. Бу маблағлар жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози шароитида энг биринчи галда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мувофиқлаштириш учун йўналтиришга мўлжалланиши лозим.

Шунингдек, резолюцияда миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш бўйича кенг миқёсли ҳаракатни давом эттиришга даъват ҳам ўрин олди.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, саммит осойишта ўтишини таъминлаш учун молиявий инқироз шароитида фақат полиция қўриқловининг ўзига 7,2 миллион фунт-стерлинг сарфланди. Умумий ҳисобда 4700 нафар полициячи бутун Лондон бўйича хавфсизликни таъминлаш ишларига жалб қилинди.

Алимбек ТОШБЕК



БИРИНЧИ ТЕМИР ЙЎЛ

фойдаланишга топширилади

Хирот шаҳар ривожланиш бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Таймурининг журналистларга берган интервьюсида айтишича, икки ойдан сўнг Афғонистонда ягона диспетчерлик маркази орқали поездлар ҳаракати автоматик равишда назорат қилинадиган биринчи темир йўл фойдаланишга топширилади.



Ўзбекистон темир йўли орқали келган юкларни қабул қилишга мўлжалланган Ҳайратон портидаги 1 километрдан ортиқ узунликдаги темир йўлни ҳисобга олмаганда Афғонистонда шу пайтгача узоқ масофали темир йўл йўқ эди.

Айни дамда қурилиши давом этаётган ушбу темир йўл Эрон ҳудудидаги Санган станциясидан Афғонистон ғарбидаги Хирот шаҳригача бўлган 61 километрлик масофада ястанган. Кейинчалик бу темир йўл Хиротдан Ширхон савдо портигача тортиб борилади.

Ушбу темир йўл қурилишига Эрон техник ёрдам кўрсатмоқда. Унинг лойиҳаси учун Эрон 75 миллион долларлик маблағ ажратган.

ПОЙТАХТ КЎЧАЛАРИДА

аёл-полициячилар

Перу пойтахти Лима шаҳри кўчаларида эндиликда йўл ҳаракати хавфсизлигини аёл-полициячилар назорат қиладилар. Эркак полиция ходимлари эса полициянинг бошқа бўлимларига ишга ўтказилади.

Лима муниципал йўл полицияси раҳбарияти узоқ йиллик кузатувлардан сўнг шундай қарорга келди.

Маълум бўлишича, дейилади «Associated Press» АА хабарида, аёллар эркакларга қараганда анча сергак ва улар орасида порахўрлик даражаси ўта паст.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши мажлисининг 1-сонли баёни 11-банди асосида тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисида мурожаатларини қабул қилиш ва ушбу муаммоларни ечиш ишларини фаоллаштириш мақсадида, Республика давлат санитария-эпидемиология хизматида ташкил қилинган «Ишонч телефонлари»:

№	Ҳудудий ДСЭНМлар номи	Код	Ишонч телефон рақамлари
1	Тошкент шаҳар ДСЭНМ	371	248-67-87, 248-12-43
2	Андижон вилояти ДСЭНМ	374	224-38-16, 224-46-20
3	Бухоро вилояти ДСЭНМ	365	223-94-11, 223-37-40
4	Жиззах вилояти ДСЭНМ	372	222-23-48, 222-37-86
5	Қашқадарё вилояти ДСЭНМ	375	225-06-10, 225-06-07
6	Навоий вилояти ДСЭНМ	436	223-03-72, 223-98-80
7	Наманган вилояти ДСЭНМ	369	226-51-63, 226-32-95
8	Самарқанд вилояти ДСЭНМ	366	233-62-97, 231-12-41
9	Сурхондарё вилояти ДСЭНМ	376	223-47-52, 223-32-08
10	Сирдарё вилояти ДСЭНМ	367	226-37-92, 226-37-27
11	Тошкент вилояти ДСЭНМ	371	286-16-71, 286-11-14
12	Фарғона вилояти ДСЭНМ	373	226-37-31, 226-34-50
13	Хоразм вилояти ДСЭНМ	362	226-80-70, 226-61-52
14	Қорақалпоғистон Республикаси ДСЭНМ	361	222-80-50, 222-66-38
15	Республика ДСЭНМ	371	273-92-99, 278-59-46

Мазкур телефон рақамлари орқали тадбиркорлар ўз иш фаолиятида Давлат санитария-эпидемиология хизматига оид барча саволлар ва юзага келаётган муаммолар юзасидан мурожаат этишлари мумкин.

ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 4, 2009 года на приобретение цельнокатаных колес РУ 950 ступица 175 для грузовых вагонов в количестве 5000 штук согласно графика поставки (2-3 квартал 2009 года).

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул.Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410 тел.: 237-94-72, 237-96-33.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

«Бухоро — Регистон» ихтисослаштирилган аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги Бухоро шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида 2009 йил 7 майда соат 16.00 да ўтказиладиган «Кимошди» савдосига таклиф қилади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади: Бухоро шаҳар Т.Фароғий кўчаси ёқасида жойлашган савдо мажмуаси ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда автомобиллар сақлаш жойи қурилиши учун мўлжалланган 20000,0 м² дан иборат ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 23480000 сўм.

Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчасида якка тартибда уй-жой қурилиши учун мўлжалланган ер майдони, 418,0 м² дан иборат 5 та ер участкаси мерос қилиб қолдириш шарти билан.

Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси — 5 109 632 сўм.

Бухоро шаҳар, Ибн Сино шоҳ кўчаси ёқасида жойлашган савдо мажмуаси ва автомобиллар сақлаш жойи қурилиши учун мўлжалланган 900,0 м² дан иборат ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 7149600 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аукцион ташкилотчиси ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари лозим: ҳ/р: 20208000304349413001, АТИБ Ипотека банк «Сардор» филиали, Бухоро ш. МФО: 00119, СТИР: 205201183, аризалар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб қабул қилиниб, аукцион савдосига 3 кун муддат қолганда (2009 йил 4 май соат 16.00 да) тўхтатилади.

Ғолиблар билан олди-сотди шартномаларини тузиш муддати 20 кун, сотилмаган мулклар 2009 йил 21 май, 4 ва 18 июнь кунлари такрорий савдоларга қўйилади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: Бухоро шаҳар И.Мўминов кўчаси, 2-уй, 1-қават, 11-хона (Бухоро шаҳар ҳокимлиги биноси).

Телефон: факс 223-25-67, 223-72-88, веб-сайт: www.molorok.uz.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ №1-1. Шаҳрисабз — Ғузор сув қувурини реконструкция қилиш (14-куст, 14б артезан қудуқ билан)
Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 173.440.000 сўм. Қурилиш муддати — 90 кун.
ЛОТ №1-2. Қамаши тумани Қорасув ва Манғит қишлоқ аҳоли пунктларида сув таъминотини яхшилаш.
Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 139.861.670 сўм. Қурилиш муддати — 75 кун.
ЛОТ №1-3. Чироқчи тумани Дам, Чоштепа, Кишмиштепа ва Равот қишлоқ аҳоли пунктларидаги сув таъминотини яхшилаш.
Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 110.751.670 сўм. Қурилиш муддати — 75 кун.
ЛОТ №1-4. Шаҳрисабз тумани Авазмалик қишлоғидаги сув йиғиш иншооти қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 127.420.830 сўм. Қурилиш муддати — 75 кун.
ЛОТ №1-5. Чироқчи тумани Янгиқишлоқ қишлоғида артезан қудуғи қурилиши.
Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 75.653.330 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

Қурилиш ишлари Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

1. Ғузор тумани, Каттақишлоқ қишлоғидаги 192 ўқувчи ўринли 2-мактабни капитал таъмирлаш.

Бошланғич нархи (ҚҚСсиз) — 64.533.250 сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.

Қурилиш ишлари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози газетаси» кўчаси, 3-уй. Телефон: (8-375) 227-16-56.

Савдо ташкилотчиси: Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг маркази.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдорида айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Қарши шаҳри, «Хонобод шоссеси» кўчаси, 46-А уй, 4-қават.

Телефон: (8-375) 224-18-33, факс: (8-375) 224-05-24.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

«MUNITSIPAL AUKSION MARKAZI» МЧЖ

томонидан 2009 йил 5 май куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Ҳамал кўчаси, 29-уйда жойлашган «Тошкент шаҳар йўл қурилиш ва таъмирлаш трести» ОАЖ тасарруфидаги:

1. 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АТ 339 бўлган «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 2 200 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 440 000 сўм.
2. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AI 690 бўлган «ММЗ-45021» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 1 000 000 сўм.
3. 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АТ 836 бўлган «ГАЗ-5205» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 1 700 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 340 000 сўм.
4. 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АТ 333 бўлган «ЗИЛ-138А» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 600 000 сўм.
5. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AL 199 бўлган «МАЗ-5549» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 7 500 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 1 500 000 сўм.

Шунингдек, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда жойлашган «Тошкент давлат юридик институти» балансидаги:

1. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 565 бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 500 000 сўм.
2. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AG 774 бўлган «ГАЗ-310240» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 800 000 сўм.
3. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 252 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 1 200 000 сўм.

Мусахонов кўчаси, 2-уйда жойлашган «Тошқишлоқмаш» ОАЖ балансидаги:

1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 575 бўлган «КАВЗ-3271» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 200 000 сўм.
2. 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 846 бўлган «ГАЗ-66» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 1 000 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 200 000 сўм.

Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги» балансидаги:

1. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 401 бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 7 300 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 1 460 000 сўм.
2. 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 404 бўлган «ГАЗ-3102» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 7 300 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 1 460 000 сўм.

Муродова кўчаси, 7-уйда жойлашган «8-сонли Автосарой» ОАЖ балансидаги:

1. 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВА 549 бўлган «Мерседес-Бенц» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 3 800 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 760 000 сўм.

Чехов кўчаси, 2-уйда жойлашган ДУК «Сувсоз» трести балансидаги:

1. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 184 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 3 100 000 сўм.
Тўланадиган закалат пули миқдори 620 000 сўм.

2009 йил 5 май куни сотилмаган автотранспортлар бўйича аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 15.00 да сотилгунга қадар давом эттирилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг юқорида кўрсатилганидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal auksion markazi»нинг АИКБ «Ипак йўли»даги МФО 00444, СТИР 300053338, 20208000104555055002 сонли ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Агар савдо ғолиби тўлаган закалат миқдори сотиб олиш баҳосининг 15 фоизидан камини ташкил этса, ғолиб давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19-уй.
Телефон/факс: 244-88-03, 244-88-04.

Электрон почта: auksion@bk.ru
Гувоҳнома: № 001568-09

●●●

«Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорига ҳамда Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2009 йил 27 мартдаги 66к-ПО буйруғига мувофиқ, ушбу буйруқнинг 1-, 2-иловаларида кўрсатилган «Munitsipal auksion markazi» аукцион ва танлов савдоларида турган давлат активлари савдолардан олинганлигини маълум қилади.

❖ Машҳурлар маҳалласи

ВАТАН КЎРКИ БУЮК ИШҚУ САДОҚАТДАН

Наманганда баҳор қишлоқлардан эмас, шаҳардан бошланади. Аллақачон гулбаргини елга берган бодому ўриклар ғўраси сут олди. Олма, нок новдаларида яшиллик ларзон...

Гуллар шаҳрининг баҳори. Қирғоқларига майсалар яшил ҳошия тортган йўл Шимолий Чортоқ трассасига етгач, **Ўзбекистон халқ шоири, хизмат кўрсатган маданият ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳабиб Саъдулла яшаган маҳалла Боробаҳим Машраб номидаги фуқаролар йиғини бошланади.**

Ҳабиб Саъдулла онаси Мукаррамхоним Мирюсуф қизи билан.

Сўзни баҳордан, гуллаш тасвиридан бошлашимиз бежизмас. Ҳабиб Саъдулла севган фасл бу, Ҳабиб Саъдулла эъзозлаган, таърифига шеърлар ёзган юрт баҳори бу.

Айни баҳорда туғилиб яна баҳор кунларида дорилфанодан дорилбақога рихлат қилган устоз ҳақида ўйлаганимизда у яшаган маҳалла, у умргузаронлик қилган хонадон, у юрган кўчалар кўз олдимизда намоён бўлади.

Бугун Ботиржон Баҳодиров раислик қилаётган мўъжазгина маҳалланинг умумий майдони 20,7 гектарни ташкил қилади. Ундаги 1100 оилада 4000 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида 12 та кўча, иккита кўпқаватли уй мавжуд. Шунингдек, маҳаллада «Исузу» сервис хизмат кўрсатиш мажмуи, 15-махсус мактабгача таълим муассасаси кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Бугунги кунда ушбу маҳалла гузарида қариялар дам олиш маскани, 100 ўринли ошхона ишлаб турибди.

Бу ердаги кўчалардан бири «Истиқлол» деб номланган. Бу манзилда Ҳабиб Саъдулланинг хонадони бор.

— Ҳабиб Саъдулла билан маҳалладош бўлганимиздан ҳамиша фахрланамиз, — дейди маҳалла оқсоқоли. — У кишининг ҳурматидан маҳалламизга не-не улуғларнинг қадами етди, кўчаларни ободонлаштириш, саранжом-саришта тутишни ҳамма бирдек бурч деб ҳисоблайди. Элимизнинг ардоқли шоири маҳалладаги каттаю кичикка шундай одатни сингдирганди.

Маҳалла-қўйчилик шароитида бу қадар меҳр, ҳурмат-эътибор қозониш учун битта шахснинг ибрат фазилати етарли эмас. Бунинг учун унинг оиласи, фарзандлари ҳам муносиб бўлишлари керак. Ҳабиб аканинг турмуш ўртоғи Роҳилахон она ҳам маҳалла фаолларидан.

Айтишларича, маҳалла ҳудуди дастлаб паст-баланд адирликдан иборат бўлган. Ўша 1978 йилда шаҳар марказидаги қадрдон жойларидан ушбу ялангликка кўчиб чиқишга кўпчилик иккиланган.

Оёқ тираб туриб олишса, ҳовли жой жуда тор, рози бўлишса, у ердаги шароитга кўникиш осон бўлмайди. Одамларнинг безиллаши бежиз эмасди. У вақтда шаҳар марказидан четроқ жойларга мутлақо эътибор берилмасди.

Хуллас, янги жойга кўчадиганлар орасида гапи бутунроқлар ҳам борми деган савол оралади.

Шоир Ҳабиб Саъдуллага ҳам ўша томондан ер бериларкан. Одамларнинг кўнглидаги ғашлик ариди.

— Ерни олиб, ўзи Тошкентга кўчиб қолса-чи? Яқингача пойтахтда ўқиб, ишлаб юрган шоир, ҳали униб-ўсиши бор...

Ўшанда Ҳабиб Саъдулла, қадрдон маҳалладошларига керакligини яна бир бор ҳис этди.

Шоирнинг 1973 йилда ёзган «Кўчамдан жонон ўтганда» шеъри эл суйган ҳофиз Камолиддин Раҳимов томонидан қўшиқ қилиниб одамлар дилидан жой олганди. Янги маҳаллада қурилган уйларнинг пойдеворидан тортиб, ҳар бир ғишту синчу саррови қатига машҳур қўшиқнинг оҳанглари сингди.

— Қурилиш бошланган илк кунларданоқ Ҳабибулла қўшнилар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Самимий, дилкаш ҳазиллари кўнгилни кўтарадиган гап-сўзлари учун уни ҳар куни кутадиган бўлиб қолдик. Биров ғишт, биров цемент, яна кимдир тахта ёғоч олиш масаласида Ҳабибуллага учрар, ёрдам оларди. Ҳамсояларга нисбатан жуда оқибатли эди, — дейди шоирнинг қадрдон қўшниларидан бири Мажидхон Ҳожимирзаев.

«Қадрдонлар, энди шу жойлар бизнинг уйимиз, қурилиш ишлари давом этаверади. Фақат иморат билан овора бўлмасдан кўчат ҳам ўтказайлик. Уйларимиз битганида дарахтлар кўкариб, яшнаб турса, ўзимиз баҳра оламиз». Ҳабибулланинг бу таклифи билан то хонадонлар битиб, кириб олингунича кўчатлар ҳосилга кирди.

Ҳабиб Саъдулланинг синфдоши, қадрдон дўсти Маматхон Мамадалиев хотираларидан:

— Ҳабибулла ўзи ёлғиз фарзанд эдию, ҳеч кимни ёлғизлатмасликка тиришарди. Уни бир эмас, икки-уч маҳалла ўзларининг маҳалладоши деб ҳисоблайди. У ҳозирги жойга кўчиб келгунича бизнинг «Ўзбекистон» маҳалламизда яшаган. Ҳабибулладаги шоирона заковат, инсоний бағрикенглик энг аввало оиладаги тарбиядан бошланган. Унинг гапсўзлари, айрим хатти-ҳаракатлари шаккокликка ўхшаб туюлса-да, диний билимлардан ҳам жуда яхши хабардор эди. Айрим маҳмадоналарга — Худо бизнинг ибодатга зор эмас, биз Худога муҳтожмиз. Ишингизга, атрофдагиларга зарар келтирадиган «тақводор» бўлманг деб танбеҳ берарди. Унинг бунга маънавий ҳаққи бор эди, албатта.

— Ҳабиб Саъдулла нафақат маҳалладошларининг балки бутун Наманганнинг фахри эди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, тарих фанлари номзоди Дилшода Дадажонова. — 1991 йилнинг декабрида Наманганда бўлган нохуш воқеалар пайтида бу ўз исботини топди. Ҳабиб ака жуда довюрак эди. У таҳликали кезларда «Тазарру» достонини ёзди:

Бомдод намозидан
то вақти хуфтон,
Гарчи ҳар кўнжида
янграгай азон.
Аммо ором топмас
аҳли Наманган,
Ўзинг кечиргайсан, бизни,
Оллоҳим!
Ё раб, биз имонни
бозорга солдик,
Диёнат, виждонни
бозорга солдик,
Каломинг-Қуръонни
бозорга солдик,
Ўзинг кечиргайсан, бизни,
Оллоҳим!..

— Дадамнинг умр йўли биз учун ибрат бўлиб қолаверади, — дейди Ҳабиб Саъдулланинг тўнғич фарзанди, вилоят телерадиокомпанияси ходими Раҳматулло. — Атрофдагиларга меҳр-оқибат кўрсатишни, ишдан, оиламиз ташвишларидан ортиб, доим кимларнингдир мушкулини осон қилиш учун куйиб-ёнишни у киши оддий одамгарчилик ҳисоблардилар. Бир куни уйимизга кексароқ бир киши кириб келди. Қимтинишидан дадамни яхши танимаслиги билиниб турарди. Дадам у кишини кузата туриб, кўп ташвиш қилманг, ҳаммаси яхши бўлади, деб таскин бердилар. Нотаниш одам кетганидан кейин астойдил қизиқдим. Бир пайтлар вилоят театрида қоровул бўлиб ишлаган экан. Ҳатто исмини зўрға эсладилар. Орадан анча ўтиб билдимки, у киши касалванд бўлиб қолган, кеч фарзанд кўргани учун қариганда қизини чиқармоқчи экан. Ўша тўйни дадам ўтказиб бердилар...

Маҳаллада жойлашган 15-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси.

Наманганга, наманганликларга хос меҳмоннавозлик намунасида шоир хонадони ҳамиша ибрат саналган.

Устоз шоирнинг 60 ёшлик юбилейи тантаналарида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов: «Ҳабибжон онасининг хизматидан йироқламай, маҳалла-қўйи билан бақамти Наманганда яшаб ижод қилди. У Тошкентга кўчиб бормади. Аммо унинг муваффақиятларини, самарали фаолиятини шарафлаб бугун Тошкент унинг ҳузурига келиб турибди», деб пойтахтдан келган меҳмонлар фикрини ифодалаганди.

Дарҳақиқат, шоир учун уч нарса ғоят муқаддас эди. Биринчиси — она, иккинчиси — Ватан, учинчиси — шеърият! Онага бўлган фарзандлик муҳаббатини нафақат шеъру достонларидан, балки одатий ҳар бир ҳаракатидан, суҳбатлардаги фикрларидан ёрқин илғаш мумкин эди.

Ҳабиб Саъдулла онасининг ягона фарзанди эди. Унинг волидаи муҳтарамасига бўлган меҳри, садоқати барчани ҳайратлантирарди. Шоир онаси бетоб бўлиб ётганда уни ҳеч кимга ишонмасдан ўзи парвариш қилди. У нафақат шоир балки оддий бир ўғил сифатида ҳам онаси олдидаги фарзандлик бурчини астойдил адо қилишга ҳаракат қилди. Унинг мана бу сатрлари ҳам фикримиз далили бўла олади:

Сенга дунёда раҳмдил
бир худодир, бир онанг,
Умру ризқингга кафил бил,
бир худодир, бир онанг.
Ул бирига бандадирсан,
ул бирин фарзандисан,
Ким ато этган жону тил
бир худодир, бир онанг.

Наманганда, Наманганнинг мўъжазгина маҳалласида туриб у бутун Ўзбекистонни севди. Истиқлолни, озодлик ва ҳурликни улуғлади. У етиб бормаган жойларга ҳам шеърлари, қўшиқлари, публицистик мақолалари кириб борди.

Турли адабий анжуманлар сабаб Тошкентга ёки бошқа вилоятларга йўлимиз тушса, устоз адибу адабиётшуносларнинг Ҳабиб Саъдуллани сўрашади, меҳр билан эсга олишади.

Одамнинг қаерда яшаши эмас, қандай яшаши муҳим экан. Ҳабиб Саъдулла вилоятда яшаб ижод қилаётган адиблар орасида биринчи бўлиб Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлганди.

Унинг туғма истеъдодига мос фуқаролик позицияси, тоза муҳаббати, юксак тафаккур ва заковати чегара билмасди, дилларни дилларга боғларди. Бугун Наманган адабий муҳитида қалам тебратаётганларнинг соғинчли суҳбатлари далолат берадики, Ҳабиб Саъдулла Наманган қаламкашлари учун Тошкент эшигини очиб берган устоз. Чунки у ёшларга ҳамиша бутун бир мамлакат ҳаётидан воқиф бўлишни ва ёзганларини мамлакат минбаридан айтишга интилиш кераклигини уқтирарди.

Машҳур шоир яшаган бу маҳаллага ижодкорлар, таниқли сўз заргарлари бугун ҳам келиб туришади. Суҳбат боши — Ҳабиб Саъдулла, суҳбат авжи — Ҳабиб Саъдулла, суҳбат сўнгти — Ҳабиб Саъдулла. Уни ҳамма бирдай соғинади, ҳамма бирдай қўмсайди. Унингсиз давралар ҳувиллаб қолгандай. Йўқ-йўқ, ундай эмас. Бугунги адабий гурунглар шогирдларнинг ўктам овози билан файзланмоқда. Сўнмас ашъорлари билан оҳорланмоқда. Устознинг ўзи иншо этгандек:

Магар фасли хазон келди,
сўлиш йўқдир, сўлиш йўқ,
Магар бу дард ёмон келди,
ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ...
Ҳабиб кўргил Ватан кўрки
буюк ишку садоқатдан,
Яшайдурган замон келди,
ўлиш йўқдир, ўлиш йўқ!

Ҳар йили у таваллуд топган кун — 5 апрель санасида вилоятда Ҳабиб Саъдуллахонлик ҳафталиги бошланади.

Демак шоир ўзи ҳам ҳақли равишда таъкидлаганидек тирик сўз, уйғоқ қалб ҳеч қачон завол топмайди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

✸ Футбол

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРА ОЛАМИЗМИ?

Шу кунларда 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари қизғин паллага кирди.

Мусобақанинг Осиё минтақаси тўртинчи босқич «А» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси охирги турда Сиднейда Австралия футболчиларига имкониятни бой берди — 0:2. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Баҳрайн футболчилари қатарликларни кичик ҳисобда доғда қолдиришди — 1:0. Агар олдинда яна икки ўйин турганлигини ҳисобга олсак, ҳамюртларимизда мусобақанинг «плей-офф» баҳсига йўлланмани қўлга киритиш имконияти сақланиб қолди. Бунинг учун фақат футболчиларимиздан кейинги турларда Япония ҳамда Баҳрайн терма жамоаларини мағлубиятга учратиш талаб этилади.

«А» гуруҳидаги вазият

		Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	Австралия	5	4	1	0	8-0	13
2.	Япония	5	3	2	0	8-3	11
3.	Баҳрайн	6	2	1	3	5-6	7
4.	Ўзбекистон	6	1	1	4	5-8	4
5.	Қатар	6	1	1	4	4-13	4

«В» гуруҳининг сўнгги тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Жанубий Корея — КХДР — 1:0, Саудия Арабистони — БАА — 3:2.

«В» гуруҳидаги вазият

1. Жанубий Корея	5	3	2	0	9-3	11
2. КХДР	6	3	1	2	7-5	10
3. С.Арабистони	6	3	1	2	8-8	10
4. Эрон	5	1	3	1	6-6	6
5. БАА	6	0	1	5	6-14	1

Навбатдаги учрашувлар 6 июнь куни бўлиб ўтади. Унда Қатар — Австралия, Ўзбекистон — Япония, БАА — Жанубий Корея, КХДР — Эрон терма жамоалари ўзаро куч синашади.

КИТОБИ ЭНГ КЎП МАРКАЗ

❖ Маърифат

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс маркази ҳозирги пайтда Қорақалпоғистондаги энг кўп китоб фондига эга марказ ҳисобланади. Унинг умумий китоб фонди 493 минг 540 донани ташкил этади. Шундан 321 минг 935 донаси дарслик ва ўқув қўлланма, 93 минг 309 донаси илмий, 33 минг 747 донаси бадиий, 30 минг 821 донаси ижтимоий-сиёсий адабиётдир. Ўтган 2008 йилда жами 139 номда 6 минг 19 дона китоб олинди ва 2009 йил учун мамлакатимизнинг 71 номдаги газета, 59 номдаги журналига обуна бўлинди.

— Ахборот-ресурс марказида 450 ўринга мўлжалланган ўқув зали мавжуд, — дейди Ахборот-ресурс маркази директори Қаршиға Науризбаева. — Интернет хонаси, ижтимоий фанлар, чет эл адабиётлари, даврий нашрлар, маъруза матнлари, магистрант, аспирант ва докторантлар ўқув зали, икки электрон кутубхона ўқув заллари мутахассисликлари бўйича ташкил этилган. Мана шу ўқув залларида 56 та компьютер, 2 та принтер ва бошқа аппаратлар қўйилган. Компьютерлар интернет тизимига уланган.

Ахборот-ресурс марказида мунтазам равишда янги олинган адабиётларнинг кўргазмаси ташкил этилади, илмий-ижтимоий ҳаётимизда воқеа бўлган китобларнинг тақдимот маросимлари ўтказилади. Бу тадбирлар профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг китоблардан унумли фойдаланишида қулайлик яратаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

✓ Қинғир иш — келтирар ташвиш

МИСИ ЧИҚҚАН «САВДО»

«Чилонзор буюм бозори»да савдо авжида. Кимдир харидорни чорлайди, бошқаси «моли»нинг нархида талашади. Комил Муҳаммедов ҳам шу бозорда кўзлари олазарак бўлиб «харидор» ахтаради. Ёнига таниш аёл келиб, «доллар сотадиган оғайниларингиз, борми» деб сўради.

— Бор, ҳозир гаплашаман, — дея таниши Абдураҳим Ғаниевнинг уяли телефони рақамларини тера бошлади.

— Бир кишига «кўки»дан керак экан?

— Қанча олмоқчи, — сўради Абдураҳим Ғаниев мижоз топилганидан хурсанд бўлиб.

— 5000.

— Бўпти, бозор дарвозаси олдида кўришамиз.

Улар айтилган жойда учрашишди. Комил Муҳаммедов ўтган-кетганларга қараркан, харидорни таништирди.

— Сизга айтган «клиент» мана шу киши бўлади.

— Яхши, — деди Абдураҳим Ғаниев. — Беш мингни 1400 дан ҳисобласак етти миллион сўм бўлади.

Олувчи билан сотувчи ўртасида ҳисоб-китоб тугаб энди тарқалишаётган пайтда ишнинг «миси» чиқиб қолди. «Сизлар қонунни буздингизлар», дея ҳужжат расмийлаштирилди.

Хориж валютаси билан қонунга хилоф равишда олди-сотди қилганлар жазосини олди.

Баҳром АБДУКАРИМОВ,
Мақсуд ГУЛОМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси криминалистлари.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 22.10
Topshirilgan vaqti — 22.30
Sotuvda erkin narxda

Бизнес ва тадбиркорлик учун расмий нашр

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази биносини капитал таъмирлаш»

Объектнинг бошланғич қиймати:
— қўшимча қиймат солиғи билан 442,868 млн. сўм,
— қўшимча қиймат солиғисиз 369,057 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2009 йил 15 ноябргача.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй. Телефон/факс: (8-372) 222-31-59, 222-30-11.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона.
Тел/факс: 226-14-66,

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.